

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**



International
Organization for
Standardization



International
Electrotechnical
Commission



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**«Жаҳонда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**«Состояние и тенденции развития стандартизации и
технического регулирования в мире»**



СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

**13-14 Октябрь, 2022
Ташкент, Узбекистан**

Малакали ва тажрибали ходимларнинг етишмаслиги	Процедура хужжатларини тавсифлашнинг қийин кечиши ва мураккаблиги.	18%
	Малакали мутахассис ходимларнинг етишмаслиги.	
	Бошқарувнинг жараёни моделини ривожланиш даражасини аниқлашда ўз-ўзини баҳолаш механизмини шакллантириш тажрибасининг мавжуд эмаслиги.	
	СМТ жорий қилишда корхона учун қулай усул ва воситаларни танлаш.	
Ресурслар таъминотининг етишмаслиги	Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги.	15%
	Ходимларнинг етишмаслиги.	
Ходимларнинг кундалик (ишда) бандлиги.		13%
Бошқа омиллар.		12 %

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш корхоналари келгусида истеъмолчилардан янги ва кўпроқ буюртмаларни олишни истагини билдиришса, юқорида саналган босқичлар асосида стандартни жорий этиши ва сертификатлаштириши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zDSt ISO 9001:2015 Сифат менежменти тизими. Талаблар.
2. ISO 10012:2003 Measurement management systems. Requirements for measurement processes and measuring equipment.
3. Бекмуротов Ч.А., Тураев Ш.А. Ўлчаш воситасини реал қўллаш шароитида метрологик ҳолатини автоматик бошқариш ва назорат қилиш ЭХМ учун яратилган дастурга гувоҳнома DGU 07869, 13.01.2020 й.
4. O'zDSt 8.002:2002 ГСИ РУз. Метрологический контроль и надзор. Основные положения.

КОРХОНАЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ISO 37001 СТАНДАРТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Султонова Юлдуз Аббаровна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Умарова Нодира Самуговна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Хайруллаева Дилдора Сайдуллаевна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада коррупцияга қарши курашда халқаро ISO 37001 стандартининг ўрни ва аҳамияти ҳамда ушбу стандартнинг жорий этилишидаги авфзалликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: коррупция, ISO 37001:2016 халқаро стандарти, коррупцияга қарши курашиш, стандарт, порахўрлик, қонун устуворлиги, интизомий жавобгарлик.

Аннотация: В данной статье приведены сведения о преимуществах и внедрении, роль и значение международного стандарта ISO 37001 в борьбе с коррупцией.

Ключевые слова: коррупция, международный стандарт ISO 37001:2016, противодействие коррупции, стандарт, взяточничество, верховенство закона, дисциплинарная ответственность.

Annotation: This article provides information about the advantages and implementation, the role and significance of the international standard ISO 37001 in the fight against corruption.

Keywords: corruption, international standard ISO 37001:2016, anti-corruption, standard, bribery, rule of law, disciplinary responsibility.

Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Шавкат Мирзиёев

Коррупция бу — жамиятни турли йўллар билан исканжага солувчи даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат давлатимиз равнақи, демократия ва қонун устуворлигини таъминлашда зарарли ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бузилиши, одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отишига шароит яратади. Мамлакатнинг ички ва ташқи бозор функцияларини ривожланиши ва фаолиятига тўсқинлик қилади.

Коррупция ҳозирги кунда, бутун дунё бўйлаб глобал ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқаради, давлат органлари фаолиятига салбий таъсир қилиб унинг ривожланишга тўсқинлик қилади ва рақобатни бузади. Бу эса адолатни йўқ қилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини шубҳа остига қўяди ва муҳтожларга ёрдам беришга тўсқинлик қилади. Шунингдек, у бизнес харажатларини оширади, товарлар ва хизматларнинг нархини оширади, маҳсулот ва хизматлар сифатини пасайтиради, бу эса ҳаёт тарзининг бузилиши ва мулкни йўқотишга олиб келади. Бу ҳолат давлат органларига бўлган ишончни йўқотади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу зарарли ҳодиса катта кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамяти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ханузгача у бартараф этилмапти.

Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Ҳозирда ривожланган мамлакатларда ҳам коррупция билан боғлиқ жиноятларларни учратиш мумкин, лекин улар доимий равишда коррупция билан қарши курашиб келади ва коррупция даражаси пастлиги бўйича жаҳон рейтингда юқори ўринларда туради. Жумладан, Transparency International халқаро нодавлат ташкилотининг 2021-йилдаги статистик маълумотларига кўра, коррупция даражаси паст мамлакатлар рейтингда Дания 1, Янги Зеландия 2, Финландия, Швеция 3-ўринни эгаллаган бўлса, Марказий Осиё давлатларидан Қозғистон 94, Қирғизистон 124, Ўзбекистон 140-ўринни эгаллаган. Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Фуқароланинг ўзини — ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ва ноtijорат ташкилотларнинг ва фуқароларнинг коорупцияга қарши курашишда иштирок этиши ҳақида тўхталган. Жумладан, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида

ISO 37001:2016 халқаро стандарти асосида коррупцияга қарши менежмент тизими жорий этилиб, унга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари мавжуд эмаслиги соҳада амалга оширилаётган тадбирларга ягона мезон асосида ҳолисона баҳо беришда ва уларнинг натижадорлигини янада оширишга тўқинлик қилмоқда.

Ижтимоий тармоқларда ҳам коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш мақсадида телеграм ва мессенджерларига келиб тушган маълумотлар бунга яққол мисол бўлади. Масалан, телеграм ва мессенджерда аҳоли томонидан адлия органлари ва муассаларида юз бераётган коррупция ҳуқуқбузарликлари аниқланган. Ўтган вақт давомида antikrobot@ орқали 2,5 мингдан ортиқ хабарлар келиб тушган ва текширув натижаларига кўра 20 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 4 нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Шу билан бирга, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг меҳнат интизоми ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни сифатли бажариши устидан доимий назорат ўрнатиш мақсадида 2019 йилда 1801 та қисқа муддатли текширувлар ўтказилган. Натижада, 160 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган. “Сирли мижоз” бўйича 1344 та тадбирлар якунида 380 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган. Аввало, бу тарзда ходимларнинг сараланиши ишнинг шаффофлигига, иккинчидан, виждонли мутахассисларни жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритишларини таъминлашига туртки бўлади.

Давлатлар қонунлар орқали коррупцияга қарши курашда катта ютуқларга эришган, аммо муаммони ҳал қилиш учун фақат қонунларнинг ўзи етарли эмаслиги намоён бўлмоқда. Шу сабабли ташкилотлар фаолиятида коррупцияга қарши курашнинг амалий ифодаси бўлган стандартларни жорий этиш зарурияти туғилган. Шу мақсадда ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у коррупция билан боғлиқ хатарларни бартараф этишга қаратилган механизм эканлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу стандарт ташкилотларга порахўрларга қарши тадбирларни ташкил этиш, амалга ошириш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтиришга ёрдам беради

ISO 37001 Коррупцияга қарши бошқарув тизими коррупцияга қарши сиёсат ва уни қўллаб-қувватлайдиган бошқарув тизими бўлиб, ташкилотга коррупцияни амалга оширишда харажатлар, хатарлар ва зарарларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш, ишбилармонлик муносабатларига бўлган ишончни ривожлантириш ҳамда ташкилотнинг обрўсини оширишга ёрдам беради. ИСО 37001 ташкилотда коррупциянинг рўй бермаслигига аниқ қафолат бўлмаса ҳам, бу ташкилот ҳар қандай ташкилот учун қимматли сармояга айланиб, коррупцияни аниқлаш ва олдини олиш бўйича тегишли чораларни амалга оширганининг яққол намоёишидир.

Масалан, Малайзияда ISO 37001 стандарти Малайзия Бош вазири Тун Др Маҳатхир Мухаммад бошчилигида томонидан жорий қилинган. Бу тизим давлат сектори ва хусусий секторларда ижобий натижа берган. Малайзия ҳукумати коррупцияга қарши жиддий чоралар кўриши натижасида биргина 2016 йилда 59,8 %дан 70,8 %гача кўтарилганлиги ҳақидаги статистика мавжуд. Бу эса Малайзиянинг бир қатор муҳим халқаро тадқиқотлар ва индекслар бўйича ўз кўрсаткичларининг юқори натижаларга эришганлигидан далолат беради. Нафақат Малайзияда балки дунёнинг бошқа давлатлари Перу, Сингапур, ХХРда миллий стандарт органлари ISO 37001 стандартини қабул қилган. Италияда ISO 37001нинг аккредитация схемаси Ассредиа томонидан ривожлантирилган; Буюк Британияда эса Бирлашган Қиролликнинг Аккредитация Хизмати аккредитация схемасини ишлаб чиқиш учун ISO 37001 бошланғич дастурини амалга оширди. БААда Халқаро Аккредитация Маркази ISO

ISO 37001 аккредитация схемасини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Microsoft ва Walmart биринчилардан бўлиб ISO 37001 сертификатиغا эга бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2020 йил 4 апрельдаги фармонларига асосан нефть ва газ соҳаларини тубдан ислох қилиш, улар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, хорижий мутахассислар ва хорждаги ватандошларни жалб қилиш, шунингдек, нефть ва газ саноатининг барча корхоналарида коррупцияга қарши «Комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш топширилган эди. Ушбу топшириқнинг самарали ижроси таъминланди. Натижада мутахассислар томонидан жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасида олдига қўйган мақсадлари, халқаро стандарт талаблари амалиётга тадбиқ этилаётгани тасдиқланиб «Ўзбекнефтегаз»АЖ Республикамизда биринчилардан бўлиб Жанубий Кореянинг «G-CERT Co.,Ltd.» халқаро аудиторлик ва сертификатлаш ташкилоти томонидан коррупцияга қарши курашиш механизми амалда самара бераётганининг асосий қўлаткичи ҳисобланувчи ISO 37001:2016 мувофиқлик сертификати билан тақдирланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш” сиёсатини амалиётга кенг тадбиқ этиш ва коррупцияга оид турли хавфларни бартараф этишда нафақат маъсул мансабдор шахсларнинг, балки ҳар бир ходимнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, енг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаيمиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Адабиётлар

1. А.Сафарова ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими. <http://zamin.uz>.
2. А.Мадаминов ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши стандарт. <http://huquqiportal.uz>.
<http://lex.uz> ЎРҚ-419-сон 03.01.2017 Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида.

СОЗДАНИЕ НАУЧНО – МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ РАЗРАБОТКИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ИНСТРУКЦИИ НА ПРОИЗВОДСТВО ПОЛУФАБРИКАТОВ ИЗ ИНДЕЙКИ

Турдалиева Махзунахон Мухтаралиевна

Ферганский политехнический институт, ассистент

Обидов Жамшид Гайратжон угли

Ферганский политехнический институт, ассистент

Топволдиев Абдукаххор Абдукодир угли

Ферганский политехнический институт, ассистент

***Аннотация.** Берилган ишда курка гўштининг сифатига талаблар келтирилган бўлиб, уларни сертификатлаштириш учун хавфсизлик кўрсаткичлари ҳисобга олинган. Майдаланган совутилган, қисман музлатилган ва музлатилган куркадан яримтайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик қўлланмаси яратилган.*

***Калит сўзлар:** курка гўшти, сертификатлаштириш, технологик қўлланма, сифат, хавфсизлик.*

***Аннотация.** В данной работе изложены требования к качеству мяса индейки с учетом показателей безопасности для их сертификации. Разработана технологическая*

ОГЛАВЛЕНИЕ

Приветственное слово. Турабджанов С.М.....	3
Приветственное слово. Юсупбеков Н.Р.....	4

РОЛЬ СТАНДАРТИЗАЦИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПРОДУКЦИИ

Тавгень И.А., Борис В.Ц. Проблемы стандартизации процесса дистанционного повышения квалификации.....	5
Борис В.Ц., Владимир Л.С. Стандартизация понятий в современной метрологической практике.....	9
Исматуллаев П.Р., Асамутдинова С.Х., Зиёдуллаев А.У., Государственный надзор за соблюдением требований стандартов.....	14
Исматуллаев П.Р., Мўминов Х.Д., Стандартлаштириш тизимининг хронологик ривожланиши.....	19
Муминов Н.Ш., Хамидов Ж.А. Проблемы разработки и внедрения нормативных документов по стандартизации в строительстве.....	23
Кулуев Р.Р., Дониёрова К.Б. Анализ основных принципов современного менеджмента качества.....	28
Бекимбетов М.Н., Сатторбергенова Г.К., Баниязов Ш.К. Теоретические основы управления качеством услуг.....	33
Пулатова Д.Г. Основные характеристики ячеистых бетонов.....	37
Абдусаломова Н.С., Усманова Х.А. Озиқ-овқат саноатида сифат менежменти тизимини шакллантиришнинг асосий стандартлари.....	39
Каратаева С.Б. Аттестация рабочих мест.....	43
Shertaylaqov G‘.M., O‘ngarov J.Y., Maxammatov Sh.Sh. Xalqaro standart talablari asosida kattaliklar jarayonining bajarilishi.....	45
Султонова Ю.А. Хайруллаева Д.С., Мухаммад Аминов А.Д., Халқаро ва миллий стандартлар иктисодиётнинг туризм тамоғини ривожланишидаги ўрни.....	48
Бекмуротов Ч.А., Ниетбаев А.К. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари.....	51
Султонова Ю.А., Умарова Н.С., Хайруллаева Д.С., Корхоналарда коррупцияга қарши курашда халқаро ISO 37001 стандартининг ўрни ва аҳамияти.....	55
Турдалиева М.М., Обидов Ж.Ғ., Топволдиев А.А., Создание научно – методологических основ разработки технологической инструкции на производство полуфабрикатов из индейки.....	58
Фаттоев Ф.Ф., Мирпайзиева Г.М., Жуманазарова С.Ш., Организация и анализ системы контроля качества в СМК предприятий пищевой промышленности.....	61
Rakhmanova N.R., Mo‘minov N.Sh., Energy in international standards.....	64
Назарбаева Б.А. Роль стандартизации в интеллектуальной электроэнергетической системе.....	66
Жабборов Ҳ.Ш., Мустафайев О.Ш. Дон ва дон маҳсулотлари намлигини ўлчаш усулини танлаш ва уни асослаш.....	72
Сатторов Д.Н., Матякубова П.М., Стандартлаштириш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.....	76